ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

**“Транспорт воситаларидан фойдаланиш ва иссиклик техника”**
кафедраси

**5140900 –** Касб таълими *(“Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш”)*
йўналишидаги бакалаврлар учун

# «АВТОМОБИЛЛАРНИ ТЕХНИК ИШЛАТИШ»

**фанидан**

# ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**ТУЗУВЧИЛАР**: **доц. Негматов В.А.**
**катта. ўқ. Баёзов Р.Р.**

**Бухоро – 2006 йил.**

**Автомобил техник ишлатиш фанидан тестлар.**
**№1 – Вариант.**

**1 - савол.**

Автомобил транспорти нима учун керак?

***A.** Юк ва пассажирлар ташиш учун.
**B.** Автомобил мусобокаларини утказиш учун.
**C.** Автомобилларни синаш ва руйхатдан чикариш учун.
**D.** Автомобилни кургазмаларда намойиш этиш учун.
**E.** Юк ташиш учун.

**2 – савол**

Кандай турдаги техник хизмат курсатишларни биласиз?

**A.** Капитал таъмирлаш.
**B.** Жорий таъмирлаш.
**C.** Кундалик хизмат курсатиш.
***D.** Кундалик хизмат курсатиш, ТХК-1, ТХК-2.
**E.** 2-ТХК ва жорий таъмирлаш (ЖТ).

**3. - савол**

Техник хизмат курсатиш меъери нимани билдиради?

***A.** Бу автомобилни маълум меёрда йул босиб утишдан кейин ТХК ишлари утказилишини билдиради.
**B.** Бу автомобилни маълум йул босиб утгандан кейин ЖТ (жорий таъмирлаш) ишларини бажарилиши.
**C.** Бу автомобилни биринчи капитал таъмирлашгача босиб утган йули.
**D.** Бу ТХК ишчилар сонини аниклаш учун аник курсаткич.
**E.** Бу автомобилни ТХК ва ЖТ гача босиб утган йули.

**4 – савол**

Бир давр (цикл) ичида босиб утган йул нимани билдиради?

**A.** Бир йилда босиб утган йул.
**B.** 10 йилда босиб утган йул.
**C.** ТХК-2 гача босиб утган йул.
**D.** Автомобил двигателини капитал таъмирлашгача босиб утган йул.
***E.** Автомобилни биринчи капитал таъмирлашгача босиб утган йули.

**5 – савол**

Иш жойи нимани билдиради?

**A.** Иш жойи – бу автомобил турадиган жой ва ишчи (чилангар, электрсозловчи, мотор созловчи) урни.

***B.** Иш жойи – бу шундай урин, каер-да ишчи (чилангар, электрсозловчи, мотор созловчи ва х.к.) маълум ускуналар ва созловчи асбоблар билан жихозланган булади.
**C.** Иш жойи – бу автокорхонада автомобиллар турадиган жой.
**D.** Иш жойи – бу ТХК-2 окимида жойлашган урин.
**E.** Иш жойи – бу автокорхонада жойлашган дам олиш урни.

**6. – савол**

Назорат диагностика ишларини утказишдан максад нима?
**A.** Ёкилги сарфланишини аниклаш.
**B.** Двигателни кувватини аниклаш.
**C.** Ут олдириш бурчагини четга чикишини аниклаш.
***D.** Хозирги ёки кейин буладиган носозликларни меъёрий курсаткичлар оркали аниклаш.
**E.** Автошиналарни ёйилишини аниклаш.

**7 – савол**

Механик-чилангарлик ишлари хажмига нима киради?
**A.** Рандалаш, токарлик, фрезерлик ишлари.
**B.** Йигиш-ажратиш, силликлаш, токарлик мисгарчилик ишлари.
**C.** Пайвандлаш, чилангарлик ва мисгарчилик ишлари.
**D.** Электро жигозлаш, чилангарлик, шиналар йигиш ишлари.
***E.** Рандалаш, токарлик, фрезерлик, силликлаш, арралаш ишлари.

**8. - савол**

Альтернатив ёкилги деб нима аталади?
**A.** Бензин. **B.** Дизел ёкилгиси **C.** Водород, бензин.
**D.** Биогаз, дизел ёкилгиси.
***E.** Сикилган табиий газ суюлтирилган табиий газ, водород, биогаз, метан.

**9. - савол**

Газ баллонли автомобилларда баллонларни герметиклиги кандай аникланади
**A.** Ёндирилган гугурт ёки чирокча билан.
***B.** Совунга увибитилган латта билан.
**C.** Мотор мойи билан.
**D.** Эшитиш-кулок солиш йули билан.
**E.** Муфталар ва фланецларни котириш йули билан.

**10 – савол**

Турон заминидаги алохида шароитларда автомобилларни ишлатиш тушунчаси:

**A.** Паст температурали шароит;

**B.** Юкори температурали шароит;

**C.** Тропик шароит (юкори намлик)

**D.** Тоглик шароит.

***E.** Табиий - агрессив арид иклим шароити.

**11. – савол**

Бутун ишлатиш даври учун ТХК ва ЖТ утказиш учун структура кандай таксимланади?

***A.** (70-75) % **B.** (75-80)% **C.** (80-85)% **D.** 90 % **E.** 95 %

**12 - савол**

Узбекистонда юк ташишни канча улуши автомобил транспортига тугри келади?

***A.** 90% **B.** 40% **C.** 30% **D.** 20% **E.** 10%

**13. – савол**

Автомобил ресурси нима?

***A.** Автомобилни охирги холатигача юриши.

**B.** Ташилган юк.

**C.** Охирги холатигача транспорт ишларини бажариши.

**D.** Охирги холатигача сарфланган ёкилги микдори.

**E.** Автомобилни шиналари ейилгунча йул босиши.

**14. – савол**

Моддий-техник таъминотда илмий – асосланган меъёрлаш. тушунчасига нима киради?

**A.** ТХК даврийлиги ва таъмирлашла-раро йул босишни меъёрлаш;

**B.** Жорий таъмирлаш учун йул бо-сишни меъёрлаш;

**C.** ТХК ва ЖТ учун мехнат сарфи хажмини меъёрлаш.

**D.** Ёкилги-мойлаш махсулотлари сарфини меъёрлаш.

***E.** Ёкилги-мойлаш материаллари, эхтиёт кисмлар ва материаллар сарфи меъёри.

**15 – савол**

Цех майдони кандай аникланади ?

**A.** Автомобиллар сани буйича;

***B.** Утиш коэффициентларини хисобга олиб технологик зарур жихозлар эгаллаган майдонлар буйича;

**C.** Ишчилар ва автомобиллар сони буйича;

**D.** Курилиш меъёрлари буйича;

**E.** Цехдаги ишчилар сони ва жихозлар руйхати буйича.

**16. – савол**

ТХК-2 утказиш жараёнида иш хажми кандай аникланади, (диагностикасиз). Куйидаги тенглама буйича:

***A.**$T^{й}_{тхк-2}=T^{й}_{тхк-2(Д)}+T^{й}_{Д}=N^{и}_{тхк-2}\cdot t^{к}_{тхк-2}-T^{й}_{Д}$

**B.** $T^{й}_{тхк-2}=A_{и}\cdot\eta_{ц}\cdot N^{ц}_{тхк-2}$

**C.** $T^{й}_{тхк-2}=A_{и}\cdot\eta_{ц}\cdot N^{ц}_{тхк-2}-T^{й}_{д}$

**D.** $T^{й}_{тхк-2}=T^{й}_{тхк-2}\cdot A_{и}-T^{й}_{д}$

**E.** $T^{и}_{тхк-2}=N^{й}_{тхк-1}+N^{й}_{тхк-2}-T^{й}_{д}$

**17. - савол**

Автокорхонада доимий булма-ган автомашиналар кандай машиналар.

**A.** Таъмирлашда турган автомобил-лар.

**B.** ТХК-1 утадиган автомобиллар.

**C.** ТХК-2 утадиган автомобиллар.

***D.**Хизмат сафарида бир кундан уткадан ортик булган ватомобиллар.

**E.** Капитал таъмирда турган автомобиллар

**18 – савол**

Омбархоналарда эхтиёт кисмлар сакланадиган майдон кандай хисобланади.

**A.** Омбархона майдони куйидаги тенглама буйича аникланади.

$S_{э.к}=A_{и}\cdot X_{т}\cdot q$ ***B.** $S_{э.к}=F_{айл}\cdot K_{ут}$ **C.** $S_{э.к}=0{,}01\cdot A_{и}\cdot Q_{ав}$

**D.** $S_{э.к}=T^{й}_{кт}\cdot A_{и}$ **E.** $S_{э.к}=N^{й}_{жт}\cdot A_{и}$

**19. – савол**

Цех ва булимларни режалаш-тириш учун нимага асосланади?

***A.** Цехлардаги ишчилар сонига асосланиб.

**B.** Цехлардаги асбоб ускуналар сони-га асосланиб

***C.** Цехларни ва булимларни бир бирига мос ишларни бажарилиши ва ТХК зоналарига якин жойлаштири-лади.

**D.** Курилиш меъёрларига асосланиб.

**E.** Цехларни уртасидан кулай утиш масофаларига асосланиб.

**20. – савол**

Кандай цехлар ТХК-1 зонасига якин жойлаштирилади.

**A.** Чилангарлик-пайвандлаш, агрегат, мисгарлик цехларга якин.

**B.** Аккумулятор, механик, чилангар-лик-пайвандлаш шиналар йигиш цехларга якин.

**C.** Электржихозлар цехи, бүяш, тунукачилик цехларга якин.
**D.** Шиналар йигиш, диагностика цехига якин.
***E.** Электржихозлар цехи, аккумуляторлар, карбюратор, диагностика ва мисгарлик цехига якин.

**21- савол**

Двигателни асосий носозликлари нимадан иборат?
***A.** Мойлаш тармогида босим камайиши, газ чикарувчи клапанни куйиши, шатун вкладышини жойидан кузгалиши.
**B.** Орка таянч подшипникдан мотор мойи окиши, мотор каллаги остидаги прокладка куйиши, стартер куйиши.
**C.** Моторни блок цилиндри ёрилиши.
**D.** Поршен халкаларини синиши.
**E.** Поршенни эритилиши ва цилиндрга ёпишип колиши.

**22- савол**

Дизел двигателидаги юкори босим насоси нима вазифани бажаради?
**A.** Мойлаш тормогида мой босимини таминлайди.
**B.** Рул бошкариш системасида мой босимини таъминлайди.
***C.** Дизел ёкилгисининг босимини оширади ва форсунка игнасига таъсир этади.
**D.** Совутиш системасидаги суюкликни харакатини таъминлайди.
**E.** Двигателни юргизишини таъминлайди.

**23- савол**

Бензонасосни тулик ишдан чикиши сабаби нимадан иборат?
**A.** Киритиш клапанини пружинаси бушашига боглик.
**B.** Хаво тикини хосил булишига боглик.
***C.** Насос диафрагмасининг йиртилишига боглик.
**D.** Бензонасос дастачасининг ёйилишига боглик.
**E.** Диафрагма остидаги асосий пружинанинг бушалишига боглик.

**24 - савол**

Двигателни кайси курсаткичлари диагностика постида аникланади?
**A.** Хар бир цилиндрдаги газлар босими, тезлик кутисини эркин илашишини таъминланишини аниклайди.
**B.** Ёкилги харажатини микдорини, тухтатгич педалидаги кучни.
**C.** Тирсакли вални максимал айланиш сонини, илашиш муфтасини педалдаги кучини.
***D.** Тирсакли вални максимал айланиш сонини, максимал кувватини, айланиш моментини ва соатбай ёнилги харажатини.

**E.** Ут олдириш бурчагини аниклаш.

**25 - савол**

Цилиндр-поршен ва газ таксимлаш гурухларининг техник холати кандай аникла-нади?

**A.** Максимал айланишлар сонига караб.

**B.** Двигателни титрашига караб.

**C.** И.Ё.Д. ишга тушириш кучи микдорига караб.

**D.** Клапан остидаги тиркиш микдорига караб.

***E.** Цилиндрдаги босимни улчаш билан

**26- савол**

Аккумулятор батареясидаги пластинкалар бир-бирига тегиши нима окибатга олиб келади?

***A.** Уз-узидан аккумуляторни разрядлашга оллиб келади.

**B.** Аккумулятордаги суюкликнинг зичлигини пасайтириш.

**C.** Уз-узидан аккумуляторни зарядланишига олиб келади.

**D.** Аккумулятордаги суюклик сатхини оширилишига олиб келади.

**E.** Суюклик даражасининг камайишига олиб келади.

**27- савол**

Генератор щёткаси нима учун керак?

**A.** Коллекторни тозалигини таъминлаш учун.

***B.** Ёпик айланиш электр контурни таъминлаш учун.

**C.** Узгарувчан токни доимий токга айлантириш учун.

**D.** Токни системага таркатиш учун.

**E.** Генераторни котириш учун.

**28- савол**

Реле-регулятордаги кучланиш-ни носозлиги нима окибатларга олиб келиши мумкин?

**A.** Лампочкаларни хира ёнишига олиб келади.

**B.** Генераторни ишламай колишига.

**C.** Стартерни ишламай колишига.

***D.** Аккумулятордаги суюкликни кайнашига.

**E.** Аккумулятордаги эритманинг хароратини туширишига.

**29- савол**

Илашиш муфта педалининг эркин босиш масофаси нима учун керак ва кандай урнатилади ?

**A.** Педалдаги босимни камайтириш учун.

**B.** Илашиш муфтасини тулик илашишдан чикариш учун.
***C.** Илашиш муфтадаги босим подшипники факат илашиш арафасида ишлаши учун муфта педалини эркин юриши урнатилади.
**D.** Илашиш муфтаси силжиши учун.
**E.** Тезлик куттичаси билан двигател ажралмаслиги учун.

**30- савол**

Гидравлик тухтатгични педалини эркин масофаси кандай текширилади ва созланади?

***A.** Тухтатгич педалини эркин масофаси махсус торткини узунлигини узгартириш йули билан созланади.
**B.** Тухтатгичнинг колодкалари билан, айланма барабан орасидаги тиркишни созлаш оркали.
**C.** Педалдаги кучни аниклаш учун.
**D.** Педални кайта келиш тезлигини аниклаш йули билан
**E.** Тухтатгич пружинасини кучини узгартириш йули билан.

**31- савол**

Кайси тенглама оркали юк билан юриш сони аникланади.

**A.** $–L_{к}=L_{урт}\cdot К_{1}\cdot К_{2}\cdot К_{3}$
**B.** $–l_{урт.с.}=(l_{урт.й}/\beta)n+l_{0}$
***C.** $–n=(\beta(T_{н}\cdot V_{т}-l_{0}))/(l_{урт.с}+V_{т}\beta\cdot t_{ю-т})$
**D.** $–L_{тхк-2}=L_{тхк-1}\cdot n$
**E.** $–Q=(L_{тхк-1}-l_{тхк-1})/l_{тхк-1}\cdot 100\%$

**32- савол**

Кайси тенглама оркали ТХК-1 уринлари (постлар) сони аникланади?

**A.** $P=T^{с}_{тхк-1}/Qm$
***B.** $X_{тхк-1}= T^{с}_{тхк-1}/Q\cdot m\cdot P_{урт}$
**C.** $X_{д}=T^{й}_{д}/Ф_{н}\cdot m\cdot P_{урт}\cdot К_{n}$
**D.** $n_{m}=\tau_{m}/R_{m}$
**E.** $R_{m}=a\cdot m\cdot 60/N^{с}_{ктхк}$

**33- савол**

Кайси тенглама оркали уртача юриш масофаси хисобланади.

**A.** $L_{урт}=L_{жам}/A_{и}$
**B.** $L_{урт}=L_{жам}/A_{и}\cdot X_{т}$
**C.** $L_{урт}=l_{сутка}/A_{и}\cdot X_{т}$
***D.** $L_{урт}=(A_{и1}\cdot L^{н}_{кт}+A_{и2}\cdot 0,8\cdot L^{н}_{кт})/A_{и}$
**E.** $L_{урт}=0,8\cdot L^{н}_{кт}$

**34- савол**

Кайси тенглама оркали ТХК-2 сони аникланади.

***A.** $N^{ц}_{тхк-2}=(L_{к.урт}/L_{тхк-2})-N^{ц}_{к.т.}$

**B.** $N^{ц}_{тхк-2}=L_{к.урт}/L_{тхк-2}$

**C.** $Q= (L_{тхк-2}-l_{тхк-2})/l_{тхк-2}\cdot 100\%$

**D.** $n_2= l_{тхк-2}-L_{тхк-1}$

**E.** $L_{тхк-2}=L_{урт.с.}\cdot n_1$

**35- савол**

Кайси тенглама оркали автокорхонанинг бош режаси зичлик коэфициенти аник-ланади?

**A.** $\eta_{кур}=n_{бино}/F_{уч}$ ***B.** $\eta_{кур}=F_{кур}/F_{уч}$ **C.** $\eta_{кур}=F_{кук}/F_{уч}$

**D.** $\eta_{кук}=F_{уч}/F_{кур}$ **E.** $\eta_{кук}=F_{уч}/F_{кук}$

**36- савол**

Кайси тенглама оркали кукаламзорлаштириш коэффициенти аникланади?

**A.** $\eta_{кук}=F_{кур}/F_{уч}$ **B.** $\eta_{кук}=F_{уч}/F_{кур}$ ***C.** $\eta_{кук}=F_{кук}/F_{уч}$

**D.** $\eta_{кук}=F_{кук}+F_{кур}/F_{уч}$ **E.** $\eta_{кук}=F_{уч}/F_{кук}+F_{кур}$

## «Автомобилларни техник ишлатиш» фанидан тест саволлари

### №2 – вариант

### 1 Савол.

Арид минтакасида харакатланувчи таркиб иш унумдорлигига табий - иклим шароити кандай таъсир килади?

А. Арид минтакасида характланувчи таркиб иш унумдорлигига табиий – иклим шароити таъсир курсатмайди.

*В. Арид минтакасида табиий – иклим шароити характланувчи таркиб иш унумдорлигини камайтиради.

С. Арид минтакасида табиий – иклим шароити характланувчи таркиб иш унумдорлигини оширади.

Д. Арид минтакасида характланувчи таркибни ишлатиш, унинг иш унумдорлигини ошириш ёки камайтириш мумкин.

Е. Арид минтакасида характланувчи таркибни ишлатиш, унинг иш унумдорлигини бир хил саклаб туради.

### 2-Савол

КХК га канака операциялар киради?

А. Мустахкамлаш операциялари.

В. Ростлаш операциялари.

С. Ювиш операциялари.

Д. Йигиштириш операциялари.

*Е Ювиш – йигиштириш, назорат операциялари.

### 3-Савол

Меъёрларни корректлаш нимани билдиради?

А. Меъёрларни корректлаш талаб килинмайди.

*В.Меъёрларни корректлаш бу конкрет ишлатиш шароитига боглик холда корректлаш коэффицентларини куллаш.

С. Меъёрлар маълумотларда келтирилади ва корректлаш талаб килинмайди.

Д. Меъёрларни корректлаш ташиладиган юк турига боглик.

Е. Меъёрларни корректлаш автомобилни ишлаш жойига, яъни шахардами ёки шахардан ташкаридами, боглик

### 4-Савол

Техник тайёрлик (αт) коэффициенти маъносини тушунтиринг?

A. Техник тайёрлик коэффиценти (αт) автомабилни неча кун ТХК да булишини билдиради.

*B. Техник тайёрлик коэффиценти автомабиль ёки бутун автомобиль паркини соз холатда булиб ташиш ишларнини бажариш мумкин булган календар вакт улушини билдиради.

C. Техник тайёрлик коэффиценти ишга чиккан автомабиллар сонини АТК даги умумий автомобиллар сонига нисбатини ифодалайди.

Д. $а_т = Д_{тц}$ / Д к й - бу 1 циклдаги таъмирлаш кунларини йилнинг календар кунларига нисбати.

E. Техник тайёрлик коэффиценти автомабилдан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

**5-Савол**

Ишларни поток услубида бажаришни тушунтиринг.

A. Поток услубида иш бажаришда битта бригада кисмларга ажратади, масалан ИЁД. ни, бошкаси йигади.

B. Поток услубида иш бажаришда автомобил тупикли назорат утказиш чукурига киради ва чилангарлар бригадаси ишлайди.

C. Поток услубида иш бажаришда носоз агрегат янгисига ёки таъмирланганига алмаштирилади.

*Д. Поток услубида иш бажаришда автомобил потокли линияга киради ва конвеер таъсирида харакатланади, чилангарлар хар бири узига тегишли операцияни бажаради

E. Поток услубида иш бажаришда, автомобил бир ишчи урнидан бошкасига мустакил харакатланиб утади.

**6 - Савол**

Электротехник ишлари нималардан иборат?

A. Двигатель носозлигини бартараф этиш.

B. Узатмалар кутиси носозлигини бартараф этиш.

C. Руль механизми носозлигини бартараф этиш.

*Д. Автомобилни электр жихозларини носозлигини бартараф этиш.

E. Тормоз системаси носозлигини бартараф этиш.

**7-Савол**

Кайси жихозлар юк ташиш машиналарига киради.

A. Токарлик – винточиш дастгохи.

B. Гайка очгич.

*C. 1 - ТХК ёки 2 – ТХК зонасидаги ташувчи конвеер.

Д. Пайвандловчи трансформатор.

E. Клапанлар фаскасини силликловчи дастгох.

## 8-Савол

Газ балонли автомобилда бериладиган газ кандай ростлана ди?

А. Дроссели заслонкада.

В. Хаволи заслонкада.

С. Манометрда газнинг босими.

*Д. Газ редукторини сарфлаш винтели билан.

Е. Акселиратор холати билан.

## 9-Савол

Газ балонли автомобил канака?

А. Газ баллонларини ташувчи автомобил.

В. Кислород балонларини ташувчи автомобил.

*С. Сикилган газ ёкилгисида ишловчи автомобил.

Д. Бензинда ишловчи автомобил.

Е. Дизель ёкилгисида ишловчи автомобил.

## 10-Савол

Автомобилларни техник ишлатиш курсида куйидагилар урганилади?

*А. АТК, ТХКС ни лойихалаш ёки реконструкция килиш

В.Автомабилларни таъмирлаш заводларини лойихалаш ёки реконструкциялаш.

С. Нефт базасини лойихалаш ёки реконструкциялаш.

Д. Деталь ва агрегатларни тикловчи цехларни лойихалаш ёки реконструкциялаш.

Е. Мосламаларни конструкциялаш.

## 11-Савол

Автомобилларни тайёрлашда бутун ишлатиш даври учун мехнат сарфи структураси кандай так-симланади?

А. = (40 - 50)%   В. = (50 - 60)%   С. = (60 - 70)%

Д. = (5 - 10)%   *Е. = (25 - 30)%

## 12-Савол

Автомобилни ишончлилиги нима?

А. Вакт утиши билан хам автомобилни лойиха параметрларини саклаш;

В. Вакт утиши ёки йул босиши буйича сифат курсаткичини узгариш жараёнини микдорий улчаш.

С. Тегишли ТХК ва ЖТ утказиб турилганда,маълум вакт мобайнида автомобилни меъёрий курсаткичларни саклаб колиши

Д. Бу автомобилни сакланиши

*Е. Бу автомобилни узок муддат хизмат килиши

## 13-Савол

Автомобилни кай- си хусусиятлар-ини ифодаловчи курсаткичлари бу-тун ишлатилиши мобайнида узгар-масдан колади.

А. – Самарадорлик; В. – Динамиклик; С. – Махсулдорлик;

*Д. – Габарит улчамлари; Е. – Тезлик режими.

## 14-Савол

АТК ни иш режими нимани ифодалайди?

А. – Ишчи смена давомийлигини;

*В. – АТК ни иш режими бир, икки ва уч сменали булиши мумкин

С. – Иш режими – бу, автомобилни гараждан чикиб, кайтиб кириш вакти.

Д. – Иш режими – бу, АТКни неча кун ишлаши.

Е – Иш режими – бу, автомобилни линияга чикишга кетган вакти.

## 15-Савол

Кунлик мехнат сарфи нима?

*А. – Бир кунда ЖТ ва ТХК буйича бажариладиган мехнат сарфи;

В. – $N^{к}_{1\text{-тхк}}$ – ни бажариш мехнат сарфи;

С. – $N^{к}_{2\text{-тхк}}$ - ни бажариш мехнат сарфи;

Д. – $N^{к}_{жт}$ -ни бажариш мехнат сарфи;

Е. – капитал таъмирлашга мехнат сарфи.

## 16-Савол

Ишчилар сони буйича цехлар майдонини аниклаш услубини тушунтиринг

А. Майдон берилади ва ишчилар сонига купайтирилади.

*В. Булим ёки цехда бир пайтда ишловчи биринчи ва ундан кейинги ишчилар учун меъёрланади.

С. Цех ёки булимда ишловчиларнинг ярми учун меъёрланади.

Д. Бир пайтда ишловчилар сонини икки баробарига меъёрланади.

Е. Битта ишга меъёрланиб, курилиш меъёрига кура яхлитланади.

## 17-Савол

Жихозларнинг зичлик коэффиценти нима?

А. Урнатиладиган жихозлар сонини билдиради.

В. Жихозлар майдонини цех майдонига нисбатини ифодалайди.

*С. Цех майдонини жихозлар майдонлари йигиндисига нисабатини билдиради.

Д. Ишчилар сонини жихозлар майдонига нисбати.

Е. Цех майдонини цехдаги ишчилар сонига нисбати.

**18-Савол**

Маиший хоналарга нималар киради?

А. Ёнилги аппаратурасини таъмирлаш цехи, бош механик булими.

В. Асбоб - ускуна таркатиш омбори, техник хавфсизлиги кабинити.

С. Автошиналар, ёнилги – мойлаш материаллари омбори.

Д. 1 - ТХК, 2 – ТХК, ЖТ зоналари ва цехлари.

*Е. Шахсий гигиена, кейим алмаштириш, душ хоналари.

**19-Савол**

Кайси цехлар ЖТ зонасига якин

А. Шиналарни таъмирлаш, аккумулятор, диагностика, электротехник цехлар;

*В. Агрегатлар, темирчилик – пайвандлаш, шиналарни таъмирлаш, механик, эхтиёт кисмлар омбори;

С. Ёгочга кайта ишлов бериш, ёнилги аппаратураси, асбоб ускуналар омбори;

Д. Буёкчилик, электротехник, аккумулятор, 1 – ТХК зонаси;

Е. 1 – ТХК ва 2 – ТХК зоналари.

**20-Савол**

Компрессометр нимани улчайди?

А. Двигателни мойлаш системасидаги мой босимини;

В. Педаль босилганда тормоз суюклиги босимини;

С. Автошинадаги хаво босимини;

*Д. Цилиндрдаги ишчи аралашма босимини;

Е. Бензин сарфини.

**21-Савол**

Карбюраторни калковичли камерасидаги ёкилги сатхи кан- дай ростланади.

А. Тезлатувчи насос поршени холати билан.

В. Жиклёрлар диаметри билан.

*С. Тикинли нина холати билан.

Д. Тикнли игна диаметри билан.

Е. Салт юриш винти холати билан.

**22-Савол**

Хаво фильтри нинг асосий вазифаси

А. Хавони цилиндрларга киришига каршилик курсатиш.

В. Коллеторда сийраклик хосил килиш.

С. Хавони тозалаш, микдорини 50 % гача етказиб.

*Д. Чанг ва туз заррачаларидан хавони тозалашни таъминлаш, микдорини 99% гача етказиб.

Е. Мотор мойини тозалаш.

**23-Савол**

ГАЗ – 53 автомобили газ таксимлаш механизмидаги иссиклик зазори кандай текширилади ва ростланади?

А. Клапанни юкорига ва пастга суриб, унинг йули аникланади ва бу иссиклик зазори булади.

В. Фаскадан клапан эгаригача булган масофа улчанади.

С. Штангалар йули улчанади.

Д. Кормысло йули улчанади.

*Е. Клапанни ёпик холатида улчов щупидан фойдаланиб, уни коромыслони росташ винти ва клапан томони орасига киритилади ва клапан зазори булади. Ростлаш винти узунлигини узгартириб иссиклик зазори узгартирилади.

**24-Савол**

Юклама вилкаси нима?

*А. Аккумуляторни зарядсизланиш даражасини аникловчи асбоб;

В. Электролит зичлигини аникловчи асбоб;

С. Стартер занжиридаги токни улчовчи асбоб;

Д. Свечадаги заряд токини улчовчи асбоб;

Е.Стартерни айлантирувчи моментини улчовчи асбоб.

**25-Савол**

Узгарвчан ток генератоидаги диодлар нима вазифани бажаради?

А. Кучланиш хосил килиш учун;

*В. Хосил килинаётган узгарувчан токни узгармас тока айлантириш учун;

С. Ут олдириш сиситемасида каршилик хосил килиш учун;

Д. Фаралар занжирида ток хосил килиш учун;

Е. Товуш сигналини ишлаши учун.

**26-Савол**

Ёритиш асбобларидаги асосий носозликлар ва уларни келиб чикиш сабаблари.

А. Стартер релесини нотугри ростланганлиги;

В. Ёритиш лампочкалари хира ёнаяпти;

*С. Занжирда кучланиш ортиши сабабли фара элементлари ва лампочкалар тез куяди, занжирдаги токни камайтириш керак (реле – ростлагич билан);

Д. Генератор ишлаб чикараётган токни ошириш керак;

Е. Фара ойнаси синган.

**27-Савол**

Бош узатмага хизмат курсатишда кайси операциялар бажарилади?

А. Мойлар алмаштирилади;

В. Чека подшипник алмаштирилади;

С. Чека шестерналар сальниги алмаштирилади;

*Д. Карданни узиб орка гилдиракни биттаси олиниб айлантирувчи куч ва тишлар, чека планетар шестерна контактларидаги доглар шакли текширилади;

Е. Кардан валини махкамловчи болтлари тортилади.

**28-Савол**

ЗИЛ – 130 автомобилида шкворенли подшипниклар холати кандай текширилади?

А. Рул гилдирагини унг ва чап томонларга бураб;

В.Автопокрышка юкори кисмини уриб;

*С.Олдинги гилдиракни кутариб автомабилни перпиндикуляр холатига тебратиб курилади

Д.Олдинги гилдиракни кутариб автомабилни кундаланг холатига тебратиб курилади

Е.Гилдирак айлантирилиб, канча муддат айланиши кузатилади

**29-Савол**

Автомабил гилдиракларини балансировкалаш нима ва у кандай бажарилади

А.Гилдиракни тебратиш керак;

В.Чикариб олиб камераси олинади;

С.Гилдиракни алмаштириш лозим;

*Д.Гилдирак ечиб олиниб балансировкалаш стендига урнатилади, вибрация киймати буйича кушимча юклама микдори ва куйиш урни аникланади

Е.Агар йулда кетаётганда баланс бузилиши содир булса, у бартараф килинади

## 30-Савол

ГАЗ-53 автомобилида руль гилдирагини эркин йули кандай изохланади

А. Руль колонкасида мой колмаслиги;

В. Руль трапецияси шарнирларида мой колмаслиги;

С. Автошиналардаги босимини камайиши;

*Д. Кисмлардаги ейилишлар билан червяк-ролик, шарсимон бармок-руль наконечниги, сошка махкамлигини бушаши

Е. Шарсимон бармок махкамлигини бушаши.

## 31-Савол

Дизель двигателида форсунка нима вазифани бажаради?

*А. Зарурий пайтда, белгиланган босимда цилиндрга дизель ёкилгиси бериш учун;

В. Ёнилги аппаратураси детали;

С. Дизель ёкилгисини алангалатиш учун хизмат килувчи узел;

Д. Дизель ёкилгисига босим хосил килиб берувчи узел;

Е. Юкори босимли насос юритмасини таъминловчи узел.

## 32-Савол

ТХК даврийлигини коректлаш нимага боглик?

А. Механизм куллашга;

В. Потокли линияни куллашга;

С. АТК даги автомобиллар сонини куллашга;

*Д. ТХК даврийлиги меъёрий ишлатиш шароити ($К_1$) ва табий – иклим шароитига ($К_3$) боглик $l_{1\text{-ТХК}} = l^{М}_{1\text{-ТХК}} * К_1 * К_3$;

Е. Йил вактига кура;

## 33 –савол

Цикл мобойнида автомобилларни ишлатиш куни кайси ифода билан аникланади.

А. $\alpha_Т = Д_{Э.К} / (Д_{Э.К} + Д_{Р.К})$;

В. $\alpha_4 = Д_{Р.Л} / Д_К * \alpha_Т$ ;

*С. $Д_{Э.К} = \alpha_{УР} / l_{У.К}$ ;

Д. $Д_К = \alpha_{КС} / \alpha_К = (Д_{РЛ} * \alpha_Т) / Д_{Э.К}$ ;

*Е. $N^К_{1\text{-ТХК}} = N^Й_{1\text{-ТХК}} / Д_{РЙ}$.

**34-Савол**

2 – ТХК буйича кунлик мехнат сарфи кайси ифода билан аникланади?

*А. $T^{Й}_{2\text{-ТХК}} = N^{Й}_{2\text{-ТХК}} * t^{x}_{2\text{-ТХК}}$;

В. $T^{Й}_{1\text{-ТХК}} = N^{Й}_{1\text{-ТХК}} * t^{x}_{1\text{-ТХК}}$;

С. $T^{Й}_{МХК} = N^{Й}_{МХК} * t^{x}_{МХК}$;

Д. $T^{Й}_{1\text{-ТХК}} * d_1$;

Е. $T^{Й}_{2\text{-ТХК}} * d_2$;

**35-Савол**

АТК даги уз – узига хизмат курсатиш ишларига нималар киради?

А. Дастгохли ва кутариш жихозларини таъмирлаш, автомобил двигателини таъмирлаш;

В. Юкори кучланишли электр жихозлари билан ишлаш, аккумулятор ишлари;

С. Автомбилда кузив ишларини бажариш;

*Д. Жихозларни таъмирлаш, юкори кучланишли жихозлар билан ишлаш, иситиш ва шамоллатиш тизимларини таъмирлаш;

Е. Автомбилларни линияда ишлаши.

**36-Савол**

Ишлаб чикариш корпусида ишчилар сони кайси ифода билан аникланади.

А. $P_и = T_{1\text{-ТХК}} / Ф_н$; В. $P_и = T_{2\text{-ТХК}} / Ф_н$; С. $P_и = T_{жт} / Ф_н$;

Д. $P_и = T_д / Ф_н$; *Е. $P_и = T_{йиг} / Ф_н$;

**«АВТОМОБИЛЛАРНИ ТЕХНИК ИШЛАТИШ» ФАНИДАН**
**ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

## №3 вариант

### 1-Савол

Жорий таъмирлаш нимадан иборат ва кандай тказилади?

А. Жорий таъмирлаш ишлари махсус тамирлаш заводларида бажарилади ва носозликларни йукотиш учун мулжалланган.

*В.Жорий таъмирлаш (ТЖ) ишлари авто-корхонада бажарилади ва носозликни йукотиш учун мулжалланган.

С. ЖТ ишлари иктисослаштирилган махсус таъмирлаш корхоналарида бажарилади ва маълум хажмдаги ишлар шартли равишда бажарилади.

Д. ЖТ ишлари окимли линияларда кулда бажарилади.

Е. ЖТ ишлари ТХК станцияларида бажарилади ва маълум хажмдаги ишлар шартли равишда бажарилади.

### 2 – савол

ТХК – 2 иш хажмига кандай ишлар бажарилади ?

А. Кайтариш – ростлаш ишлари.

В. Назорат – ростлаш ишлари.

С. Назоарат килиш, кайтариш – ростлаш ишлари.

*Д. Кайтариш – ростлаш, назоратдан утказиш ва мой алмаштиришдан иборат.

Е.Агрегатларни алмаштириш операциялари

### 3 – савол

Автомобилни жорий таъмирлаш нима учун ва качон утказилади?

А. Жорий таъмирлаш ишлари автомбил маълум йул босиб утгандан кейин бажарилади ва носозликларни олдини олиш учун мулжалланган.

В. ЖТ ишлари ТХК – 2 ишлари бажарилгандан кейин бажарилади ва автомобилни кишда ишлатилиши учун бажарилади..

*С. ЖТ ишлари талаб этилган пайтда бажарилади ва носозликларни йукотишга мулжалланган.

Д. ЖТ ишлари иктисослаштирилган махсус таъмирлаш корхоналарида бажарилади ва носозликларни йукотишга мулжалланган.

Е. ЖТ ишлари хар 8000 – 10000 км йул босиб утганда бажарилади ва ишдан чиккан агригатларни алмаштириш учун мулжалланган.

**4 – савол**

Автомобил созланган, лекин ишлатилмайди. Маъносини кандай тушунасиз?

А. Автомобил созланган лекин ТХК – 1 окимида турибди.

В. Автомобил ЖТ урнида турибди, узатмалар кутисини таъмирлаш учун.

*С. Автомобил созланган лекин ёкилги мойлаш материаллари йук, аккумулятор ёки автошиналар йук, хайдовчи йук.

Д. Автомобил созланган лекин хайдовчи касал ва ишга чикмаган.

**5 – савол**

Индивидуал тупикли услубда ЖТ утказиш нимани билдиради?

*А. Жорий таъмирлашни ЖТ зонасида тупикли назорат чукурида бажариш.

В. ЖТ ни конвеерли линияда утказиш.

С. Ечилган агрегат таъмирланади ва яна шу автомобилга урнатиб ЖТ бажарилади.

Д. Автомобил конвеерга куйилиб носоз агрегат янгисига алмаштирилиб тупикли услубда ЖТ утказилади.

Е.ЖТ ни айланма агрегатлар куллаб бажариш.

**6-Савол**

Махкамлаш ишларини бажаришдан максад.

*А. Люфт, вибрация ва таъсирлашувчи кисмларда хисобий урнатма хосил булишини йукотиш максадида таъсирлашувчи кисмларни тортиш.

В. Резьбали бирикмалар деталларини алмаштириш.

С. Резбали бирикмалар холатини текшириш.

Д. Йуколган деталлар урнига махкамловчи деталлар куйиш.

Е. Деталь бирикмаларидан окишларни йукотиш, масалан, блок ва каллак орасида.

**7-Савол**

Мойлаш тозалаш ишлари нималардан иборат?

*А. Мойлаш тозалаш ишлари мунтазам равишда агрегатлар ва двигатель картеридаги мойни алмаштириш, мойни текшириш, ёки куйиш мойлаш системасини, тиндиргич ва филтрларни ювиш каби ишлардан иборат.

В. Мотор мойини алмаштириш ва автомобилни ташки ювиш.

С. Мойлаш тозалаш ишларига гидрокучайтиргич ва руль механизмидаги мойни алмаштириш.

Д. Руль трапеция шарнирларидаги консистент мойни алмаштириш.

Е. Таъмирлаш системасига тормоз суюклиги куйиш.

## 8-Савол

Узбекистонда автомобил тран-спортида кулла-ниладиган альтер-натив ёкилги.

*А. Сикилган газ, суюлтирилган газ.
В. Биогаз, метанол.
С. Бензин, водород.
Д. Водород. Дизель ёкилгиси.
Е. Биогаз, водород, метанол.

## 9-Савол

Газ баллонли автомобилда газ редуктори нимани ростлайди?

А. Хаво босимини.
В. Цилиндр – поршен гурухидаги босимини.
С. Мойлаш системасидаги мой босимини.
Д. Совитиш системасидаги босимни.
*Е. Цилиндрларга бериладиган газ босимини.

## 10-Савол

Захарли чикинди-ларни неча фоизи автомобил транс- порти чикинди- ларига тугри ке-лади.

*А. – 85 % ; В. – 60 % ; С. – 50 % ; Д. – 40 % ; Е. – 30 % ;

## 11-Савол

Автомобил транспортини ишлатиш даврида булган харажатларни неча фоизи лойихалаштиришга ажратилади?

А. - ( 15 - 20) % ; В. - ( 20 - 30) % ; С. - ( 30 - 40) % ;
Д. - ( 50 - 60) % ; *Е. - ( 3 - 5) % ;

## 12-Савол

Йуловчи – пассаж-ирлар ташишни неч фоизи автомбил транспортига тугри келади.

*А. - ( 90 - 95) % ; В. - ( 40 -50) % ; С. - ( 40 - 30) % ;
Д. - ( 20 - 30) % ; Е. - ( 10 - 20) % ;

## 13-Савол

Моддий – техник таъминоти тушунчасига нима киради.?

А. -Эхтиёт кисмлар ва маатериаллар жамлаш.
В. - Эхтиёт кисмларини жамлаш, саклаш консервациядан чикариш.
С. – Ёрдамчи техника баъзасини куриш.

*Д. – Эхтиёт кисмларини ва материалларини туплаш, консервациядан чикариш ва руйхатдан чикариш.

**14-Савол**

Циклдан йилга утиш курсаткичи нимани билдиради?

А. – Автомобил кай даражада яхши ишлатилишини.

В. – Йиллик дастурларни хисоблаш жарёнида ишлатишини билдирадиган курсаткич.

*С. Агар йирик дастур бир цикл даври учун хисобланган булса, кайт этилган курсаткич йиллик дастурни билдиради.

Д. Автомобилларни созлигини билдирувчи курсаткич.

**15-Савол**

Ишчилар сони кандай аникланади?

*А. Р = Т ум / Ф хак

В. Р = N хк / Ф хак

С. $Р = t^{н}$ тхк – 1 / Ф хак

Д. Р = Аи / Ф хак

Е. Р = W тнкм / Ф хак

**16-Савол**

АТК ни лойиха-лашда цехлар майдони кандай хисобланади?

А. $S_{цех} = Р_{цех}*К_1*К_2*К_3$;

*В. Жихозлар эгаллаган майдон йигиндиси аникланиб, утиш коэффицентига купайтирилади;

С. Цехлар майдони курилиш маъёрлари буйича аникланади;

Д. Цехлар майдони шу цехдаги мехнат сарфи буйича аникланади;

Е. Цехлар майдони цехда бажариладиган операциялар сони буйича аникланади.

**17-Савол**

Цехга техник зарур булган ишчилар сони кандай аникланади?

А. $Р_{цех}$ = N цех / Аи

В. Р цех = N жт / $N_{1-тхк}$

С. Р цех = Аи * $đ_m$ / Ф н

*Д. Р цех = Т цех / Ф н

Е. Р цех = $N_{мхк}$ / Ф н

**18-Савол**

Кунлик мехнат сарфи нима?

А. Кунлик ТХК лар сони;

В. Таъмирлашда бир кундан куп турган автомобиллар сони;

C. Кун мобайнида чилангар томонидан сарфланган мехнат;

*Д. АТК буйича ТХК ва ЖТ кунлик дастури бажаришдаги мехнат сарфи;

Е. Кунлик транспорт ишларини бажаришдаги мехнат сарфи.

**19-Савол**

2 – ТХК да кайси холатда потокли услуб ва качон тупикли услуб кулланилади?

A. Агар 2 – ТХК зонасидаги ишчилар сони 8 – 10 тадан куп булса (потокли услуб).

B. Агар 2 – ТХК буйича кунлик дастур 10 тадан куп булса (потокли услуб).

C. Агар 2 – ТХК ва МХК бирга бажарилса таъмирлашни потокли услуби кулланилади.

Д. Агар 2 – ТХК сменалараро вактда бажарилса.

*Е. Агар хисоб буйича 2 – ТХК постлари 5 та ва ундан куп булса потокли услуб, агар кам булса тупикли услуб кулланилади.

**20 Савол**

Кутиш постлари нима?

A. Бу носоз автомомбиллар катори;

B. Бу таъмирлашни кутаётган автомобиллар;

C. Бу иш бошланишини кутаётган автомобиллар;

*Д. Бу КХК, 1 – ТХК, 2 – ТХК зоналари олдидаги ТХК га навбатда турган автомобиллар учун жой;

Е. Бу навбатчи механик пости.

**21-Савол**

Маъмурий бинога кайси хоналар киради?

A.1 – ТХК зонаси директори хонаси;

B. 2 – ТХК зонаси бош мухандиси хонаси;

C.ЖТ зонаси ишлатиш булими бошлиги хонаси;

Д. Механик цех бош хисобчиси хонаси;

*Е. Директор, бош мухандис, бош хисобчи, ходимлар булими, техник булим, техника хафсизлиги мухандиси хоналари;

**22-Савол**

Кайси цехлар ЖТ зонасига якин жойлашиши лозим.

A. Электротехника, аккумулятор, мисгарлик, карбюратор, мойлаштириш пости;

*В. Шиналарни таъмирлаш, темирчилик – рессорлик, пайвандлаш агрегатлар, механик;

С. Буёкчилик, кузовлар, мой алмаштириш пости, диагностика пости, $Д_1$;

Д. Бош механик булими, таъминот системасини таъмирлаш цехи, $Д_2$ диагностика пости;

Е. Пайвандлаш цехи, мисгарлик цехи, мой алмаштириш пости.

**23-Савол**

Автомобилни мойлаш картаси нима?

А. Маршрут картаси;

В. Агрегатларни йигиш картаси;

С. Агрегатларни кисмларга булиш картаси;

Д. АТК ни жойлашишини курсатувчи карта;

*Е. Мойни алмаштириш жойлари курсатилган автомобилни схемаси.

**24-Савол**

ВАЗ – 2105 автмомбилида тишли тасма нима учун хизмат килади.

А. Генераторни юргизиш учун;

В. Вентиляторни юргизиш учун;

С. Сув насосини юритиш учун;

*Д. Газ таксимлаш механизмини юритиш учун;

Е.Генератор ва сув насосини юритиш учун;

**25-Савол**

Ифлосликларни уш-чагич каерга куйи- лади ва кайта йул босгач уни мотор мойини марказдан кочма тозалагичда тозала- нади?

А. Турсимон фильтрда 1 – ТХК да тозалаш;

В. Колпакда 1 – ТХК да тозалаш;

*С. 2 – ТХК да ротор колпагида тозалаш;

Д. ЖТ да роторда тозалаш;

Е. ЖТ да ротор колпагида тозалаш;

**26-Савол**

Форсункани сачраткичини асосий вазифаси?

А. Дизель ёкилгисини пуркаш босимини ошириш;

В. Ишчи аралашмани алангаланиш темпратурасини ошириш;

С. Ишчи аралашмани ёниш тезлигини пасайтириш;

Д. Дизель ёкилгисини циклик берилишини ошириш;

*Е. Пуркалаётган дизель ёкилгисини хаво билан яхши аралашувини таъминлаш учун окимига маълум шакл бериши.

**27-Савол**

Карбюраторда учрайдиган аник носозликлар кайси?

А. Товуш сундирадиган портлашлар;

В. Двигателнинг бузилиши;

*С. Калковичли камерада бензин сатхини кутарилиши; двигателни ут олдириш кийинлашада, аксинча бензин сатхи пасайиши натижасида портлашлар ва двигателни кизиши кузатилади.

Д. Тезлатувчи насос поршени кутарилиб корбюраторда портлашлар содир булиб, двегател куввати ошади.

Е.Карбюраторни носозлиги двигател ишига таъсир килмайди.

**28-Савол**

Газ баллонли автомобиллардаги асосий носозликлар белгилари.

А. И.Ё.Д. кувватини пасайиши;

*В. Газ хидини чикиши (газ аппаратураси герметиклигини бузилиши).

С. Газ ёкилгиси берилишини тухтаб колиши.

Д. Газ узатувчи кувурларни бузулиши.

Е. Газ баллонларини оксидланиши.

**29-Савол**

Аккумулятор батареяси электролити зичлиги нима?

*А. Аккумулятор сульфат кислотасини дистирлаган сувдаги эритмаси;

В. Табиий сувда аралаштирилган сульфат кислотаси микдори;

С. Сувга аралаштирилган антифриз микдори;

Д. Сувга аралаштирилган тосол микдори;

Е. Тузлар микдори.

**30-Савол**

Стартерни тортувчи релени вазифаси нима?

А. Стартерни айлантиришга мажбур килади.

В. Дендикни харакатга келтиради.

*С. Двигателни юргизишда юритмали шестернани маховик билан илашишини таъминлайди.

Д. Стартерни кушади.

Е. Стартер якорини айлантришга мажбур килади.

**31-Савол**

Эхтиёт кисмлари омборидаги стеллажлар майдонини аниклаш ифодаси.

А. $S_{стел} = A_u / Ф_н$; *В. $S_{стел} = G_i / д_i$; С. $S_{стел} = n_{кат} / \alpha_{ур}$;

Д. $S_{стел} = X_{1\text{-}ТХК} / Ф_н$ Е. $S_{стел} = N_{1\text{-}ТХК} / Ф_н$

**32-Савол**

Саклаш зонасидаги автомабиллар учун ажратилган жой нималарга боглик?

*А. Автомобилларни саклаш зонаси майдони саклашга куйилган автомобиллар сонига, автомабилларни жойлаштириш услубига;

В. АТК даги автомабиллар сонига;

С. Тухташ жойи тури, автомабиллар маркаси;

Д. Харакатланувчи тартиб тури ва автомабиллар сонига;

Е. Хизмат сафарида булган автомабиллар сонига;

**33-Савол**

ЖТ послари сонини хисоблаш ифодаси.

А. $Х\, д_1 = Т\, д_1^{й}$ / Фн *m * Р ур * К п

В. $Х\, д_2 = Т\, д_2$ / Ф н * m * Р ур * К п

*С. $Х\, жт = Т\, жт^{пос.(й)}$ * Ф / Ф н*m*Р ур*К н

Д. $Х_{1\text{-}тхк} = N_{1\text{-}тхк}$ / Ф н

Е. $Х\, мхк = Т^{й}_{мхк}$ / Фн

**34-Савол**

Потокли линия такти нима?

А. Потокли линиядаги ишчилар сони;

В. Потокли линиядаги постлар сони;

С. Потокли линия узунлигини постлар сонига нисбати;

*Д. Хисобий операцияларни тулик бажариш учун 1 та автомабилга тугри келадиган вакт;

Е. Конвеерда харакатланиш вакти.

**35-Савол**

Потокли линия кайси ифода билан аникланади?

А.; А п.л = 60 / А *у

В.; П п.л = đ бино / П сони

С.; П п.л = а * m * 60 / $N^{к}_{кхк}$

*Д. П п.л = đ м / R м

Е.; П п.л = А и * đ m / m * Р ур

**36-Савол**

Диагноз куйиш ишлирига мехнат сарфи кандай хисобланади?

*А. Йиллик диагноз ишларига мехнат сарфи 1 – ТХК, 2 – ТХК ва МХК ишларига умумий мехнат сарфидан улуш сифатида аникланади.

В. АТК даги автомобиллар сонига нисбатан;

С. ЖТ ишларига мехнат сарфига боглик холда аникланади;

Д. Цехлардаги ишчилар сони буйича аникланади;

Е. АТК даги автомобиллар ва одам сони буйича аникланади.